

## THE ISSUE OF TRADITIONAL MEDICINE AND WOMEN DOCTORS IN TURKESTAN

Ubaidullayeva Shahlo Abdullaevna

Independent researcher of KarSU

Ubaydullayeva\_shahlo@mail.ru

Muminova Gavhar Esanova

Doctor of Historical Sciences

Head of the Department of World History, KarSU

### **Abstract:**

The article deals with the creation of medical institutions in Turkestan and the organization of women's medicine.

**Keywords:** 80s of the XIX century, polyclinic, Samarkand, Khojand, first doctors Ekaterina Fedorovna Bobarykina, Alexandra Vladimirovna Poslavskaya, Sofia Romanovna Plastunova-Kovdenko

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Туркистон ўлкасида замонавий тиббиёт муассасалари ташкил этилди. 1883-йилда Тошкентда мусулмон аёллар учун биринчи амбулатория-поликлиника очилди. 1882 йил октябрда тиббий муассасанинг ташаббускор аёллар шифокорлари Н.Н. Гундиус, А.В. Пославская ва Е.Н. Манделстам Туркистон генерал-губернаторига ўз хизматларини бепул таклиф этиш борасида мурожаат қилдилар. Улар ушбу тиббий муассасанинг биринчи шифокорлари эди.

1883-йил 25-октабр куни "Туркистон Ведомости" газетаси сахифаларида юқорида қайд этилган амбулаторияни ташкил этиш тўғрисидаги Низом эълон қилинди[1]. Унга кўра, Тошкентнинг "эски" қисмида ташкил этилган муассасада тиббиёт ходимлари фақат аёллардан иборат бўлиши мумкин эди. Ҳужжат яратишда Туркистон халқларининг анъаналари, қадриятлари ҳисобга олинган эди. Амбулаториядаги барча тиббий ёрдам бепул - дори-дармонлар, сув муолажалари ҳамда оддий операция ва бинтлар билан таъминланди.

Амбулатория раҳбари округ ҳарбий тиббиёт назоратчиси томонидан танлаган аёл шифокор бўлиб ишлаши мумкин эди. Бундан ташқари, тайинлаш эса Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган эди. Белгиланган жадвалга кўра, амбулаторияда ишлайдиган хизмат ходимларидан 2 нафар шифокор, 1 нафар аёл фельдшер, 1 нафар таржимон ва 1 нафар хизмат кўрсатиш ходимидан иборат бўлган. Амбулатория 4- декабрда очилди. У ердаги тиббиёт ходимлари мусулмон аёлларининг ташриф буюришларига ва янги рус муассасасига нисбатан қандай муносабат билдиришини шубҳа билан кутаётган эдилар. Биринчи куни bemorлар сони 3 та, кейинги кунларда 10 та, бир ой давомида 200 нафарга етди. Аввалига, асосан камбағал

аҳоли қатлами ташриф буюрди, бой ва "олижаноб" аҳоли вакиллари оломон билан навбат кутишни исташмади.

Тошкентда амбулатория-поликлиника очилгач, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам бу турдаги тиббиёт муассасалари ташкил этила бошланди. 1885-йилда Самарқанд шаҳрида шаҳар бюджетидан тушган маблағлар ҳисобига аёллар ва болалар учун амбулатория-поликлиника очилди. 1886 йил сентябрда тиббиёт муассасасининг бу тури Хўжандда ташкил этилган.

Ундан кейин Туркистоннинг бошқа шаҳарлари – Кўқон ва Марғилон, Андижон ва Наманган шаҳарларида ҳам шунга ўхшашибиёт муассасалари пайдо бўла бошлади.

Табиийки, ўз она-юртларини ташлаб, узоқ ва нотаниш Туркистонга кўчиб ўтишга қарор қилган аёллар шифокорлари кам эди, шунинг учун уларнинг ҳар бири учун маҳаллий ҳокимият ҳаёт ва иш учун камида яшаш шароитларини яратиши керак эди. Масалан, 1885-йилда Самарқандда очилган шифохона шаҳарнинг ўрта қисмида, турар жойлар ёнида жойлашган эди. Беморларни қабул қилиш 1886-йил 14-февралда бошланган. Бу клиниканинг биринчи шифокорлари Екатерина Федоровна Бобарыкина ва Александра Владимировна Пославская шунингдек, София Романовна Пластунова-Ковденко каби фельдшерлардан иборат гурух эди. Улардан ташқари шифохона ходимлари таркибида аёл таржимон, аёл ишчи-хизматчилари ҳам бор эди.

Самарқанд амбулаториясининг аёллар учун яратилган шароити Россиянинг Европа қисмидаги амбулаториясидан умуман фарқ қилмади. Биргина фарқи шундаки, шифокорнинг bemor билан сухбати таржимон орқали олиб борилди. Бундан ташқари, мусулмон ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилинган – bemor аёлларни бошқа эркаклар кўзидан изоляция қилиш: ҳеч бир киши шифокор ва bemor бўлган хонага киришга ҳақли эмас эди. Расмий статистикага кўра, Самарқанд амбулаториясида рус аёл шифокорлари фаолияти аниқ тавсифланади: 1886-йилдан 1894-йилнинг 1-январигача бўлган давр мобайнида ушбу муассасада 28 мингдан ортиқ аёл ва 14 ярим минг бола даволанди. Бу даврда Самарқанднинг бутун аҳолиси атиги 26 минг кишидан ошганини, шундан 12 минг нафари хотин-қизлар эканини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкаси врачлари ва тиббиёт ходимлари кўп ишларни амалга оширидилар, шунингдек, энг зарур ёрдамни кўрсатдилар. Бироқ, Россия империяси ҳукумати тиббиётни ривожлантириш учун етарли маблағ ажратмади ва натижада таҳлил қилинган давр мобайнида тиббий ёрдамнинг барча тизими оммавий характерга эга бўлмади.

Тиббий муассасаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг барча афзалликлари ва рус тиббиёт муассасалари вакилларининг ташаббускор ишларига қарамасдан, аввалига маҳаллий аҳоли томонидан конфессионал нуқтаи назардан қабул қилинган. Бу, биринчи навбатда, дин, маданият ва менталитетдаги ёндашувлардаги фарқлар, рус тиббиёти вакиллари томонидан ишлатиладиган техниканинг мусулмон аҳолиси учун қабул қилинмаслиги ва ташқаридан келган ёт нарсаларни рад этиш билан боғлиқ эди. Бироқ ишончсизлик

муаммоси аста-секин бартараф этилди. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон анъанавий тиббиётни Фарб тиббиёти тизимиға сингдиришга уринмади, аксинча улар мустақил равишда мавжуд бўлди.

**Фойдаланилган манбалар:**

- 1) Положение об амбулаторной лечебнице для туземного женского населения в г. Старом Ташкенте // Туркестанские ведомости. 1883, № 42.
- 2) Пославская А., Мандельштам Е. Обзор десятилетней (1883-1894) деятельности амбулаторной лечебницы для женщин и детей в Ташкенте. Ташкент, 1894. 117 с.
- 3) Положение об амбулаторной лечебнице для туземных женщин и детей в г. Самарканде // Туркестанские ведомости. 1885, № 37.
- 4) Положение об амбулаторной лечебнице для туземных женщин и детей в Ходженте // Туркестанские ведомости. 1886, № 13.
- 5) Успехи русской медицины среди туземцев // Туркестанский курьер. – 1909. – № 172, 173.
- 6) Медицина и население Туркестана: традиции и новации (конец XIX - начало XX вв.)
- 7) Отчет о деятельности лечебницы для туземных женщин и детей в г. Самарканде за 1886 г. // Туркестанские ведомости. 1887, № 46,47.